

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга тавсия этилди”

**“Иқтисодиёт”
кафедраси мудир,
профессор
_____Б.А.Абдукаримов**

**“Иқтисодиёт” кафедраси
мажлиси баённомаси № __ 2012 йил
“ ”
__ __**

**“Иқтисодиёт” таълим йўналиши
ИК-108 гуруҳ талабаси Ҳамроев Миркомилнинг**

**«СИФАТ ШАРОБ САВДО» КОРХОНАСИ РЕНТАБЕЛЛИГИ
ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: в.б.доц. Шарипов Т.С.

САМАРҚАНД – 2012 й.

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Иқтисодиёт» таълим
йўналиши Ик-108 гуруҳ талабаси Миркомил Ҳамроевнинг ««Сифат
шароб савдо» корхонаси рентабеллиги таҳлили ва уни ошириш
йўллари» мавзусидаги битирув малакавий ишига**

ТАҚРИЗ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини тадқиқ қилиш, улар самарадорлигини оширишга қаратилган изчил чоралар кўриш зарурлиги мамлакатимиз Президенти томонидан бир неча таъкидланмоқда. Айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар фаолияти самарадорлиги хусусида тўхталиб “хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми 2010 йилда 31,8 триллион сўмни ташкил этди, 2009 йилга нисбатан эса 113,4 фоиз ўсишга эришилди. 2011 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 13,2 фоизга ўсди ва 41083 миллиард сўмни ташкил этди. Йил якунлари бўйича хизматларни диверсификация қилиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида хизматлар соҳасида ўсишга эришилди ва 2011 йилда унинг улуши ЯИМнинг 50,5 фоизини ташкил этди, 2010 йилда бу кўрсаткич 49 фоизни ташкил этган эди” дейди.

М.Ҳамроевнинг битирув малакавий иши бир бири билан узвий боғланган ҳолда шакллантирилган кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг биринчи бобида мавзунинг иккинчи бобида “Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонасининг хўжалик фаолиятидан фойдаси ва рентабеллигини ва унга таъсир этувчи омилларнинг таҳлили қилинган бўлса учинчи бобида рентабелликни ошириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг асосий жиҳатлари баён қилинган. Ишда шунинг хавфсизлик масалаларига эътибор қаратилиб, асосий жиҳатлари ёритилган.

Ишнинг якунида хулоса фа фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Умуман олганда битирувчи М.Ҳамроевнинг “«Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллиги таҳлили ва уни ошириш йўллари» мавзусида бажарилган битирув малакавий иши ҳажми, таркиби, мазмуни ва техник шакллантирилганлиги жиҳатидан Иқтисодиёт таълим йўналишидаги битирув малакавий ишларига қўйиладиган талабларга жавоб беради ва ҳимояга тавсия этилади.

**Тақризчи, Самарқанд чет тиллар институти
молия иқтисод ишлари бўйича проректори:**



З.Кузиев

Мундарижа

	Кириш.....	
I боб	Иқтисодий эркинлаштириш шароитида савдо корхоналари рентабеллиги ва уни оширишнинг назарий масалалари.....	
1.2	Корхона молиявий натижалари моҳияти ва аниқлашнинг асосий манбалари.....	
1.2	Савдо корхоналари рентабеллигининг моҳияти ва корхоналар фаолият рентабеллигини таъминлашнинг аҳамияти.....	
1.3	Савдо корхоналари рентабеллик кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар.....	
II боб	«Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллиги ҳолатининг таҳлили.....	
2.1	«Сифат шароб савдо» корхонаси хўжалик фаолиятининг тавсифи.....	
2.2	«Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллиги таҳлили...	
2.3	«Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	
III боб	«Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллигини ошириш йўллари.....	
3.1.	Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида савдо корхоналарирентабеллигини ошириш йўллари.....	
3.2	«Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллигини ошириш чора тадбирлари.....	
IV боб	“Сифат шароб савдо” корхонасида меҳнат муҳофазаси масалалари.....	
	Хулоса.....	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, энг аввало иқтисодий соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурнинг жорий этишдан кўзланган асосий мақсад - Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислохотларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустахкам замин яратишдир.

Президентимиз И. Каримов: «Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа - бу изчил иқтисодий усиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир» деб таъкидлаган. Бу, Республика иқтисодиётида фаолият юритаётган барча соҳа корхоналарининг фойда кўриш мақсадида, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишини талаб этади.

Республиканинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишида муҳим омиллар бўлиб, ишлаб чиқариш хажмининг ўсиши, пул кадрсизланишини пасайтириш, экспорт хажмини ошириш ва бошқа шу каби макроиқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга мамлакатда фаолият юритаётган ҳар бир корхона, фирма, компанияларнинг хўжалик субъектлари сифатида ривожлантиришни тақозо этади.

Корхона, фирма ва компанияларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини туғри йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, резервлар ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади. Ушбу вазифаларни ечиш учун

корхоналарда фойда ва рентабелликнинг мунтазам ўрганилиши, ҳолатининг ўзгариши юзасидан зарурий қарорлар қабул қилиниши талаб этилади.

Рентабеллик кўрсаткичлари барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига баҳо бериш учун асос бўладиган асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб, уни ошириб боришдан хўжалик юритувчи субъектлар мафаатдорлиги ортиб боради. Биз битирув малакавий иши доирасида хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларидан бири бўлган савдо корхонасининг рентабеллигига баҳо бериш ва уни ошириш йўллари ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз. Ушбу мақсад йўлида қатор вазифалар белгиланди ва битирув ишини бажариш давомида атрофлича ҳал этилди.

Битирув иши тадқиқот объекти сифатида “Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонаси танланди ва тадқиқотлар шу корхона материаллари асосида олиб борилди.

Ишнинг биринчи бобида мавзуга доир назарий масалалар, иккинчи бобида эса таҳлилий жиҳатлар, учинчи бобида рентабелликни оширишга қаратилган таклифлар ёритилган. Шунингдек, “Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонасида меҳнат муҳофазаси масалаларига эътибор қаратилган ва бу жиҳатлар ишнинг тўртинчи бобида баён этилган.

1 боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида савдо корхоналари

рентабеллиги ва уни оширишнинг назарий масалалари

1.1. Корхона молиявий натижалари моҳияти ва аниқлашнинг асосий манбалари

Молиявий натижалар тугрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий хисоботнинг муҳим шакли 2-шаклда «Молиявий натижалар тугрисидаги» хисобот шаклида ифодаланади.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот чораклик хисобот шаклига кириб барча хужалик юритувчи субъектлар тамонидан тузилади.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот ва уни тулдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140- сонли Йуриқномаси асосида белгиланади.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот шаклининг асосий курсаткичларига қуйидагилар киритилади:

1. Махсулот сотишдан олинган ялпи (соф) тушум.

1. Махсулот сотишдан ялпи фойда

2. Асосий фаолиятдан фойда (зарар)

3. Молиявий фаолиятдан фойда (зарар)

4. Умумхужалик фаолиятидан фойда (зарар)

5. Фавқулодда фойда (зарар)

6. Солиқ туловига қадар фойда (зарар)

7. Соф фойда (зарар)

Ушбу курсаткичларни хисоб китоб қилиш юзасидан албатта корхонанинг қуйидаги харажат қаторларини ҳам таркиблаш ва фарқлаш лозим.

1.Сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

2.Давр харажатлар.

3.Молиявий фаолиятдан харажатлар.

4.Фавқулодда харажатлар.

Даромад ва харажатларни бу таркиб туркумланиши қуйидагиларга имкон беради;

- ❖ Ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш,
- ❖ Молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш
- ❖ Корхона томонидан олинадиган даромадларни уларнинг юзага келиши гки шаклланиши бўйича алохида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда кутилмаган ҳолатлардан).

Молиявий натижалар тугрисидаги янги ҳисобот шакли уларнинг ҳар бир шаклланиш қатори бўйича тулиқ ахборотларни олиш имконини беради. Бу ахборотлар ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларининг манфаатлар тукнашувини келтириб чиқармайди. Агар шундай булганда эди, молиявий ҳисоботни тузиш қоидаси бузилган булар эди. Негаки, молиявий ҳисоботдаги маълумотларда ҳеч қачон бир туркум ахборот фойдаланувчилар фойдасига бошқа туркум зарари ҳисобига акс эттиришлар булмаслиги талаб этилади. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги» қонунининг 6-моддасида ҳам бериб утилади. Яъни молиявий ҳисоботларни тузишдаги бетарафлик қоидаси.

1. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум қатори. Махсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси махсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган жами тушум суммасидан сотишга солиқлар туловлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади.

Сотишга солиқлар, туловлар, ажратмаларга қуйидагилар киритилади:

- қушилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;

-Реклама солиғи;

-Махсулот хажмидан ижтимоий суғурта булимига ажратма ва х.к.

Махсулот (иш ва хизмат)ларни сотилган қаторга киритишнинг одатда иккита шарти характерланади. Булар кассали ва хисобга олиш усулларидир. Кассали усулнинг мохияти шундаки, бунда махсулотлар ортиб жунатилиб хисоб хужжатлари тақдим этилган ва уларнинг хисоб счгтларига пули келиб тушгандан кейингина сотилган хисоблаш ва тушум қаторига қушиш, сотишга солиқлар суммасини ҳам уларнинг амалга ошиш даврига мувофик хисоблашни характерлайди. «Бухгалтерия хисоби тугрисидаги» қонуннинг қабул қилинишига қадар республикамизда ушбу усул қулланиб келинди.

Махсулот (иш ва хизмат) ларни сотилган қаторга киритишнинг гки даромадларни тан олишнинг хисобга олиш усули эса уларнинг ортиб жунатилиб хисоб хужжатлари тақдим этилган вақти буйича хисобга олишни характерлайди. Бунда пул тушумлари гки туловларнинг амалга ошиш вақтига аҳамият берилмайди. Сотишга солиқларнинг хисоб китоби ҳам бевосита уларнинг тушум сифатида тан олиш вақти буйича хисобга олинади.

2. Махсулот сотишдан ялни фойда. Махсулот сотишдан олинган ялпи молиявий натижа фойда гки зарар қуйидаги боғланишлар асосида аниқланади. Яъни, махсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушумдан шу махсулот (иш ва хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади.

Корхона фойдасининг асосий қисмини бевосита махсулот (иш ва хизмат) лардан олинган фойда ташкил этади.

3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси (Фойда гки зарар). Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси қуйидаги боғланишларда аниқланади. Яъни, махсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган фойда суммасидан давр харажатлари таркибига кирувчи сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, ва бошқа

умумхужалик харажатларини чегириш ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа жарағнларидан олинган даромад ва харажатларни тартибли фарқлаш асосида аниқланади.

4. Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар). Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар қаторига молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботда қуйидаги умумлашган курсаткичлар киритилган.

-Шуъба ва уюшма корхоналардан олинган дивидендлар;

-Бошқа олинган дивидендлар;

-Шуъба ва уюшма корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар;

-Бошқа туланган ва олинган фоизлар;

-Валюта курсининг узғаришидан фарқлар;

-Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар ва харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасига молиявий фаолиятдан олинган натижани қушиш асосида умумхужалик фаолиятидан молиявий натижа (фойда, зарар) аниқланади.

1. Умумхужалик фаолиятидан молиявий натижа. Умумхужалик фаолиятидан олинган молиявий натижа солиқ туловига қадар фойда суммасидан гки ҳисоб фойдаси суммасидан фавқулодда фойда ва зарарлар суммасига фарқ қилади.

Умумхужалик фаолиятидан олинган фойда суммаси молиявий натижанинг шаклланиш қатори эмас, балки уни жамловчи қатор сифатида таркибланади.

6. Фавқулодда фойда (зарар). Фавқулодда фойда (зарар) – корхона тамонидан одатий ҳол ҳисобланмаган ва уч йиллик оралиқда бундай фаолият билан шуғулланмаган ҳолатлардан оладиган даромад ва йуқотишлар фавқулодда фойда ва зарарлар қаторига киритилади.

Фавқулодда фойда ва зарарлар молиявий натижалар шаклланишининг учинчи таркиби сифатида қаралади.

Кутилмаган сув тошқини, гнғинлар, табиий офатлар таъсиридаги йуқотишлар ҳам ушбу қаторга киритилади. Улар буйича фойда ва зарарларнинг бошқа шаклланиш қаторларида солиқланиш буйича ҳеч қандай фарқланиш йуқ. Агар фойда олинадиган бўлса, у буйича ҳам тегишли тартибда солиқ туланади, зарар олинадиган бўлса умумхужалик фаолиятидан олинадиган фойда суммаси зарар суммасига камайтирилади.

Лекин амалий кузатишлар натижаси шуни курсатадики уларнинг шаклланиш эҳтимоли нихоятда қисқа гки кам. Бўлган тақдирда ҳам фақат зарар шаклида бўлмоқда.

7. Солиқ туловига қадар фойда (зарар). Солиқ туловига қадар фойда (зарар) суммаси умумхужалик фаолиятидан фойда (зарар) суммасига фавқулодда фойда (зарар) суммасини қушиш асосида аниқланади. Солиқ туловига қадар фойда суммаси ахборот истеъмолчилари эътиборидаги ва кузатувидаги қатор ҳисобланади.

У бевосита асосий фаолиятнинг молиявий натижасидан, молиявий фаолиятнинг молиявий натижасидан ҳамда фавқулодда фойда ва зарарлар жамланган суммасидан иборот бўлади.

8. Соф фойда (зарар). Соф фойда корхона ихтигида қоладиган фойда суммасини ифодалайди. Ушбу қатор солиқ туловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда (даромад)дан туланган солиқлар ва бошқа солиқли туловларни чегириш асосида аниқланади.

Соф фойда корхонанинг эркин тасарруф шартидаги ва фойдаланишидаги фойда суммасидир. Лекин, соф фойда суммаси ҳам турли туловлар ва ажратмалар базаси сифатида олинishi мумкин экан. Масалан, корхона соф фойдасидан олинадиган ижтимоий инфраструктурани

ривожлантиришга ажратмалар, футбол федерациясига ажратмалар ва бошқа туловлар ва ажратмаларни шулар қаторига киритиш мумкин.

Сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи курсаткичида фақат сотилган махсулотнигина ишлаб чиқариш таннархи акс этади. Махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи эса унинг учун кетган барча харажатларнинг қийматини узида ифодалайди. Махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам ҳисобга олиш усулида ушбу қаторга уринланади.

Давр харажатлари қаторига сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва операцион харажатлар киради.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар қаторига фоизлар бўйича харажатлар, банк хизмат хаки харажатлари, валюта курсининг тушиб кетишидан йўқотишлар ва бошқа сарфлар киради.

Фавқулодда харажатлар қаторига кутилмаган ҳолатлар таъсирида юзага келадиган харажатлар киритилади.

Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш учун солиққа тортилгунгача бўлган фойдага:

- Низомда келтирилган биринчи иловага асосан чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар қушилади;
- Низомда келтирилган иккинчи иловага биноан вақтлар бўйича тафовутлар қушилади ёки айириб ташланади;
- қабул қилнган солиқлар бўйича қонунларга биноан корхоналарда солиқлар бўйича тасдиқланган имтиёзлар айириб ташланади.

Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот йил бўйича ҳар бир чоракка жамланган ҳисобда тузилади. Уни топшириш органларига солиқ идоралари, банк ташкилотлари, юқори ташкилотлар киритилади. Ўлчов қиймати *минг сум* ҳисобида ҳисобга олинади. Шунингдек, ушбу ҳисобот шаклига справка, маълумотнома шаклида бюджетга туловлари ҳисоби ҳам киритилган. Унда корхона томонидан республика ва маҳаллий бюджетга тулайдиган солиқлар

тулови буйича хисобга олинган ва тулангани тугрисидаги маълумотлар курсатилади.

1.2 Савдо корхоналари рентабеллигининг моҳияти ва корхоналар фаолият рентабеллигини таъминлашнинг аҳамияти.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва бозор муносабатларини такомиллаштириш шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар сингари савдо корхоналарини ҳам рентабелли фаолиятини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Рентабеллик нисбий кўрсаткич сифатида фойданинг даражасини ифода этади. Шунинг учун ҳам рентабеллик ҳақида фикр юритилар экан аввало савдо корхоналарида фойданинг моҳияти, унинг мазмуни, турлари ва шаклланиши хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Фойда иқтисодий табиатидан ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ мураккаб иқтисодий ва тарихий категориядир. У келиб чиқиши, йуналтирилиши, хўжалик субъектларини хусусиятларидан ва бошқа меъёрларга қараб таснифланиши ва тавсифланиши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида максимал фойда олиш, эҳтиёжларни қондириш, хўжалик субъектларини самарадорлигини оширишда тижорий фаолиятни аҳамияти ортиб боради. Фойда ва рентабеллик, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, тижорий фаолиятни, унда қатнашаётган ресурсларни самарадорлигини қўлловчи кўрсаткичдир. Фойда хўжалик фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда муҳим аҳамият топи. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкни қўллайишини таъминлайди; акциядорларни даромадини (дивидендларни ортиши орқали) оширади; корхонани молиявий барқарорлигининг ва тўлов қобилиятини қўлловчи имконият яратди ва

нихоят у савдони ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Фойданинг моҳияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиққан ҳолда ёритиладиган бўлса, у қушимча қийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар қийматининг ($C+V+m$) асосий элементларидан бири, яъни « m »-ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб, савдо фойдасини савдо фаолиятида яратилган қушимча қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри бўлади.

Шундай қилиб, фойда савдо фаолияти қийматининг бир элементи, ушбу қийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементиدير. Бу ерда ҳам юқорида келтирилган қийматнинг классик формуласидан ($C+V+m$) келиб чиқсак фойда - « m »да ифодаланади.

Савдода фойда суммада ва даражаси деб аталадиган, рентабеллик кўрсаткичларида ишлатилади. Фойданинг суммаси доимо ҳам солиштириш имкониятини бермайди, шу сабабли уни ижобий кўрсаткичи фойда даражаси ёки рентабеллиги ишлатилади.

Рентабеллик ҳар қандай ҳўжалик субъектининг, жумладан савдонинг жуда муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичда савдо қорхона (шаҳобча)ларини даромади, ҳаражатларини, товар айрибошлаш, меҳнат унумдорлиги қабии кўрсаткичлар ҳолати ўз аксини топади.

Рентабеллик миқдорига қараб савдо фаолиятига, унда ресурслардан фойдаланиш самараси, фаолият тежамлими ёки йуқми қабии ҳолатларга баҳо берилади.

Савдода фойда асосан товарларни сотишдан келади ва у товарларни сотишдан олинган ялпи даромадларга бюджетдан қопланадиган айрим ҳаражатларни қушиш ва улар суммасидан муомала ҳаражатларини айриш йули билан аниқланди.

«Қорхона ҳаражатлари тўғрисида»ги статистик ҳисоботда (5-С (савдо) шакли) «товарларни сотишдан келган фойда»ни «сотишнинг ялпи фойдаси»га «Қартошқа ва сабзавотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва

сотиш буйича харажатларни коплаш, бошқа коплашлар»ни кушиш ва муомала харажатларини олиш натижасида аниклаш курсатилган. Унда «Сотишнинг ялпи фойдаси» «Сотишдан соф тушум»дан «Сотилган товарларни харид киймати таннархи»ни айириш орқали аникланган.

Бу ерда ҳам «ялпи фойда» «ялпи даромад» деб юритилса мақсадга мувофиқ булар эди. Ушбу ҳисоботда «Товарларни сотишдан келган фойда»ни аниклашга назарий ва амалий нуқтаи назардан тўғри ёндошилган деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ корхоналарнинг, жумладан савдонинг ҳам фойдаси ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия қилинган.

Ушбу низомдаги молиявий натижаларни (фойда ва зарарни) аниклаш усуллари ҳамда савдо, корхона (шаҳобча)ларини хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу кўрсаткичларни, бизларни фикримиз юзасидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш усуллари куйидаги 1-қизмада келтирамыз.

1-қизма

Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг молиявий натижалари (фойда)нинг кўрсаткичларини аниклаш усуллари

Низомда		Савдода	
Кўрсаткичнинг номи	Аниклаш усули ва кўрсаткичларнинг белгиси	Кўрсаткичнинг номи	Аниклаш усули ва кўрсаткичларнинг белгиси
I. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ)	ЯФ=ССТ-ИТ ССТ-сотишдан олинган соф тушум; ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД)	I. ЯД=ССТ-СТХқ СТХқ-сотилган товарларнинг харид қиймати
II. Асосий фаолиятдан қўрилган фойда (АФФ)	АФФ=ЯФ- -ДХ+БД-БЗ; ДХ-давр харажатлари; БД,БЗ-тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар	II. Товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ)	ТСЯФ=ЯД+Бқ- -МХ; Мх-муомала харажатлари; Бқ-бюджетдан қопланмалар

-	-	III. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)	АФФ=ТСЯФ+БД- БЗ;
III. Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ)	УФ=АФФ+МД- -МХ; МД, МХ-тегишлича молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар	IV. Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ)	УФ=АФФ+МД- -МХ
IV. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ=УФ+ФП+ +ФЗ; ФП, ФЗ-тегишлича фавкулотда фойда ва зарар	V. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ=УФ+ФФ- -ФЗ;
V. Соф фойда (СФ)	СФ=СТФ-ДС- -БС; ДС-даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ; БС-бошқа солиқлар ва тўловлар	VI. Соф фойда (СФ)	СФ=СТФ-ЯСТ- -ММС; ЯСТ-ялпи солиқ тўлови; ММС-мол-мулк солиғи

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхоналар хўжалик фаолиятини баҳоловчи асосий мезон - фойда.

Фойда - бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан қўшимча қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Корхона фойдасининг шаклланиш манбалари улар хўжалик фаолияти натижасида олинадиган даромадлардир:

- сотишдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавкулотда фойда.

Сотишдан олинган соф тушум маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган пул тушумидан қўшилган қиймат ва акциз солиги ҳамда экспорт бож пошлинасини чиқариш йўли билан аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зараларни ундириш бўйича даромадлар;

- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;

- ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, корхона ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар;

- корхонанинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;

- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонет қарзларни ҳисобдн чиқаришдан олинган даромадлар;

- товар - моддий бойликларни қайта баҳолаш;

- давлат субсидияларидан даромадлар;

- холисона молиявий ёрдам;

- бошқа операцион даромадлар.

Корхоналар молиявий фаолиятидан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

- олинган роялтилар ва сармоя трансферти;

- Республика худудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда корхонага тегишли қимматли қогозлар бўйича даромадлар;

- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

- валюта счёtlари, шунингдек чет эл валютларидаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари;

- сарфланган (қимматли қогозларга, шубба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;

- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Корхоналарнинг фавқулодда фойда - бу кўзда тутилмаган тасодифий тусга эга бўлган ҳодиса ёки корхонанинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олинishi кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг камдан-кам бўладиган моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Корхоналарнинг, юқорида келтирилган, хўжалик фаолиятидан олинган даромадлари ва қилинган харажатлари асосида фойданинг қуйидаги бешта кўрсаткичлари аниқланади:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда - бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарни ўртасидаги тафовут кўринишида бўлади:

ЯФ=ССТ-ИТ

бунда, ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлб чиқариш

таннархи.

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда - бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар кўринишида бўлади:

$$\mathbf{АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ}$$

бунда, АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ - давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

- умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда - бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус харажатлар кўринишида бўлади:

$$\mathbf{УФ=АФФ+МД-МХ}$$

бунда, УФ - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари.

- солиқ тўлангунгача олинган фойда - бу умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар кўринишида бўлади:

$$\mathbf{СТФ=УФ+ФФ-ФЗ}$$

бунда, СТФ - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФФ - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар

- йилнинг соф фойдаси - бу солиқ тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган фойда. У солиқ тўлангунгача олинган фойдадан фойда (даромад) дан тўланадиган солиқни ва қонун ҳужжатларида

назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади:

СФ=СТФ-ДС-БС

бунда, СФ - соф фойда;

ДС - фойда (даромад)дан тўланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар

Демак, фойда корхона хўжалик фаолиятидан олинган даромадларнинг харажатлардан ортиқ бўлганлигидан, яъни ижобий молиявий натижага эришилганидан дарак беради. Унинг миқдори, асосан, иккита кўрсаткичга - маҳсулот нархи ва уни ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ.

Эркин рақобат шароитида маҳсулотга нарх уни ишлаб чиқарувчи ёки уни харид қилувчининг ҳоҳишига қараб паст юқори қўйилмайди. Маҳсулот нархи эркин бозорнинг нархлаштириш қонуниятлари таъсири остида, автоматик равишда белгиланади.

Корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори даражадаги нархларда сотилса ва уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар пасайса фойда массаси, табиий равишда, салмоқли бўлади. Ҳар бир корхона шундай натижага эришишга интилишади. Чунки, фойда корхона молиявий ресурсининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Молиявий ресурс қанчалик ўсиб борса корхонанинг молиявий барқарорлиги шунчалик мустаҳкамланиб боради.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхона соф фойдасининг тақсимооти ўзига хос хусусиятларга эга. Бунга корхонанинг мулк шакли таъсир этади.

Соф фойда тақсимооти қуйидаги кўринишларда бўлади:

- акционерлик жамиятида дивидентлар тўлашга ва резерв капиталига ажратма қилинади. Унинг қолган қисми тақсимланмаган

фойда кўринишида жамият ихтиёрида қолади ва корхона фаолиятини ривожлантиришда (асосий фондларни кенгайтиришда ва айланма маблағларни шакллантиришда) қатнашади;

- қўшма корхонада резерв капиталига ажратма қилинади, унинг уставига мувофиқ таъсисчилр ўртасида тақсимланади ёки таъсисчилар қарорига биноан корхона фаолиятини ривожлантиришга ишлатилади;

- хусусий корхоналарда резерв капиталига ажратма қилинади ва унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида корхона фаолиятини ривожлантиришда иштирок этади;

- давлат корхоналарида резерв фондига ажратма қилинади, қолган қисми эса Устав фондига қўшилади. Маълумки, корхона Устав фонди унинг асосий ва айланма фондларини шакллантиришда муҳим манба ҳисобланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятидан оладиган фойданинг миқдори ички ва ташқи омиллардан боғлиқ. Ички омилларга янги техника ва технологияларни жорий этиш, хўжалик юритиш даражаси, раҳбарият ва менежерларнинг билимдонлиги (омилкорлиги), маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш даражаси киради. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи омилларга бозор конъюнктураси, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техник ресурсларнинг нархи, амортизация нормалари, солиқ солиш тизими ва бошқалар.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ҳар бир корхонада фойдани кўпайтириш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш лозим. Умуман олганда бундай тадбирлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича монопол ўринни эгаллашга (ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга) эришиш;

- доимо ўзгарувчан конъюнктурга қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаб туриш;

- рақобатбардошлик шароитида товарларнинг сотила олишини таъминлаш мақсадида харидорларга турли хил хизматлар кўрсатиш (жумладан, товарлар сотилгандан кейинги хизматлар);

- маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш;

- маҳсулот сифатини яхшилаш;

- ортиқча ускуналар ва бошқаларни сотиш ёки ижарага бериш;

- мавжуд моддий ресурслардан, ишлаб чиқариш қувватларидан ва иш майдонларидан, ишчи кучи ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш асосида маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;

- маҳсулотларни сотиш бозорини кенгайтириш ва бошқалар.

Корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун якуний натижани (фойдани) ишлаб чиқариш харажатлари ёки шундай натижага эришишни таъминлаган ресурслар билан таққослаш лозим.

Фойда ҳажмининг катта ёки кичиклиги фаолиятга баҳо беришнинг асосий меъзони бўла олмайди. Шунинг учун ҳам фойданинг даражаси яъни хўжалик фаолиятининг рентабеллиги аниқланади. Рентабелликни аниқлаш нафақат хўжалик юритувчи субъектлар умумхўжалик фаолиятига, балки унда фойдаланилаётган ресурслардан фойдаланиш даражасига ҳам баҳо беришда муҳим ҳисобланади. Рентабеллик кўрсаткичлари, уларни аниқлаш тартиби ва унинг даражасига таъсир этувчи омилларнинг тавсифига келгуси параграфларда тўхталиб ўтамиз.

1.2. Савдо корхоналари рентабеллик кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар

Корхона фаолиятига объектив баҳо беришда, такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг айрим босқичларида харажатлар билан натижаларни қиёслашда маълум бир иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур бўлади. Улар қаторига рентабеллик кўрсаткичи ҳам киради.

Рентабеллик - корхоналар тижорат ҳисоби фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларидан биридир. Фойдалалик ишлаб чиқариш фаолиятининг маълум муддати (йил, чорак) давомида сердаромадлик (зарар келтирмаслик) хусусиятини англатади. У хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини тўғри баҳолашга ва корхонадаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий манфаатдорлигини йўлга қўйишга имкон беради.

Ишлаб чиқаришнинг интенсив ва самарали ривожланаётганлигига баҳо беришда рентабелликнинг бир қатор кўрсаткичларидан фойдаланилади, қайсики, уларни ҳисоблашда фойданинг абсолют миқдори маълум бир базалар билан таққосланади.

Амалиётда тадбиркор ва инвесторни қизиқтирадиган рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳисобланади:

- хўжалик фаолиятини юритишга солинган активлар рентабеллиги;
- маҳсулотни сотиш рентабеллиги;
- ўз капитали (маблаги) рентабеллиги;
- харажатлар рентабеллиги;
- бир дона акция рентабеллиги.

Корхона фаолиятини юритишга солинган активлар рентабеллиги ($A_{\text{рент}}$)

- бу соф фойданинг қўйилган барча маблағлар, яъни активларнинг 1 сўмига тўғри келадиган улушидир. У соф фойданинг (СФ) умумий

актив (А)нинг ўртача йиллик суммасига нисбати кўринишид аниқланади:

СФ

$$\frac{A_{\text{ренд}}}{A} = \text{_____}$$

Маҳсулотни сотиш рентабеллиги ($C_{\text{ренд}}$) - бу сотилган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган фойда улушини, яъни сотилган маҳсулотнинг самарадорлик даражасини тавсифлайди. У ялпи фойда самарасининг (ЯФ) маҳсулот сотишдан тушган соф пул тушумига (СТ) нисбати кўринишида ҳисобланади:

ЯФ

$$\frac{C_{\text{ренд}}}{\text{СТ}} = \text{_____}$$

Корхонанинг ўз капитали рентабеллиги ($\check{K}_{\text{ренд}}$) - бу соф фойданинг корхона ўз капитали (маблаг) 1 сўмига тўғри келадиган улушидир. У соф фойданинг (СФ) корхона ўз капиталининг ўртача йиллик суммасига нисбати кўринишида аниқланади:

СФ

$$\frac{\check{K}_{\text{ренд}}}{\check{K}} = \text{_____}$$

Харажатлар рентабеллиги ($X_{\text{ренд.}}$) - бу корхона асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойданинг асосий ишлаб чиқариш харажатлари (сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарни, сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан харажатлар)даги (АИЧХ) улушини тавсифлайди.

АФФ

$$\frac{X_{\text{ренд}}}{\text{АИЧХ}} = \text{_____}$$

Акционерлик жамиятининг бир дона акцияси рентабеллиги (АК) - соф фойданинг корхона акциялари (АК) сонига нисбати кўринишида ҳисобланади. Бу кўрсаткич корхонанинг бозордаги фаоллигини тавсифлайди.

СФ

$$\frac{АК_{\text{рент}}}{АК} = \text{—————}$$

Рентабелликнинг барча кўрсаткичлари корхонанинг барқарорлигини аниқлашга, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва бозордаги рақобат бардошлигини кўтариш бўйича тадбирларни белгилашга хизмат қилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алоқадор товар айланиши, харажатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентда аникланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га купайтириб товар айланиш суммасига (ТА) бўлиш орқали аникланади.

Бизнинг фикримизча, фойдани шаклланишини янги тартибдан келиб чиққан ҳолда, «Товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «Товар айланиш рентабеллиги» (Рта) (бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмоқдамиз) қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

$$P_{\text{ТА}} = \frac{[(CCT - ИТ) - Мх] \cdot 100,0}{ТА}$$

Рентабелликни таҳлили жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

товар айланиши хажми (ТА) ва таркиби (ТА_{и-н}), сумда;
сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сумда;

- товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ), сумда;

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сумда;
 - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сумда;
 - солиқ тўлангунча олинган фойда (СТФ), сумда;
 - соф фойда (СФ), сумда;
 - муомала харажатлари (Мх), сумда;
 - муомала харажатларини даражаси (Умх), %;
 - асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ($АФ_{и.р}$) ва даромадлилиги ($АФ_{и.д}$), %.
- Бу кўрсаткичлар куйидагича аникланишини тавсия қиламиз.

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \quad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

Бу ерда: А – асосий фондлар амортизацияси суммаси.

- айланма маблағларни рентабеллиги ($Рай.м$) ва уларни даромадликлиги ($Рай.д$), %.
- Бу кўрсаткичлар куйидагича аникланиши мумкин:

$$P_{ай.м} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{АйМ(\bar{З})}; \quad P_{ай.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{АйМ(\bar{З})}$$

Бу ерда: Ай.М - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\bar{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

- ишчи-ходимларни рентабеллиги ($Ри.х$) ва даромадлилиги ($Ри.д$), коэффициентларда.
- Ушбу кўрсаткичларни куйидагича аниклаш тавсия қилинади:

$$P_{и.х} = \frac{УФ}{\bar{X}}; \quad P_{и.д} = \frac{ЯД}{\bar{X}}$$

Бу ерда: $\bar{X}$ - ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

- муомала харажатларини рентабеллиги ($Мх.р$):

$$M_{х.р} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{Мх}; \quad \text{Бу ерда: } Мх - \text{муомала харажатлари суммаси.}$$

- иш хаки фондини рентабеллиги ($Их.ф.р$) коэффициентда ёки %.
- Булар тегишлича куйидагича ҳисобланади:

$$I_{x.\phi.p} = \frac{Y\Phi}{I_{x.\phi}}; \quad I_{x.\phi.p} = \frac{Y\Phi \cdot 100}{I_{x.\phi}}$$

Фойда корхонанинг натижавий кўрсаткичи булганлиги сабабли унга куп сонли ташки (савдога боғлиқ булмаган) ва ички омиллар таъсир килади.

Ташки омилларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит буйича банк фоизлар;
- бахони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга куйидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

II. Боб. «Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонаси рентабеллиги ҳолатининг таҳлили

2.1. «Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонаси хўжалик фаолиятининг тавсифи.

“База” деб юритилувчи “Ўзвиносаноат-ҳолдинг” компаниясининг “SIFAT SHAROB SAVDO” ихтисослаштирилган база-унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.1999 йилдаги 136-сонли “Вино арок маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида” ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.01.2006 йилдаги ПК-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори, Ҳолдинг компанияси Кузатув кенгашининг 31.03.1999 йилдаги 03-сонли баённомаси асосида таъсис этилган.

Таъсисчи Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманининг Абай кўчасидаги 6-уйдаги манзилда жойлашган “Ўзвиносаноат-ҳолдинг” компанияси ҳисобланади.

Базанинг тўлиқ номланиши “Ўзвиносаноат-ҳолдинг” компаниясининг “SIFAT SHAROB SAVDO” ихтисослаштирилган база-унитар корхонаси. Қисқача номи “SIFAT SHAROB SAVDO”. Базанинг юридик алоқа манзилгоҳи: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар “Фирдавсий” кўчаси 24-уйда жойлашган.

База Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан юридик шахс ҳисобланади. База юридик шахс мақомини, Устави “Ўзвиносаноат-ҳолдинг” компанияси раиси томонидан тасдиқланиб, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси” деб белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб қўлга киритади.

База юридик шахс сифатида ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкга нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот

унитар корхона ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банк муассасаларида ҳисоб-китоб рақамларига эга бўлади. База ўзининг номи давлат тилида акс эттирилган думалоқ муҳрига, тамғасига, махсус иш қоғозлари, бланкаларига эга бўлади. Унинг фирма номида мол-мулкнинг эгаси кўрсатилган бўлиши лозим.

База юридик ва жисмоний шахслар билан олди-сотди ва бошқа шартномаларни тузади, бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради. База ўз мажбуриятлари бўйича фақатгина ўзига тегишли бўлган мол-мулки ва маблағи билан жавобгар бўлади. База Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тақиқланмаган ҳар қандай мулкга эга бўлиши мумкин. Кўчар, кўчмас мулкларни сотиб олиш ёки шундай мулкларни сотишда, ўзининг мулкдори бўлган Таъсисчиси рухсатини ёзма равишда олиши лозим.

База Таъсисчи билан келишиб чакана савдо қиладиган дўконлар очади. База банклардан, кредит ташкилотларидан, Таъсисчисидан шартнома асосида кредит ёки қарзлар олиши мумкин. Бу олинаётган маблағларни қайтарилиш кафиллиги таъминланган бўлиши лозим. Ушбу олинган маблағларни ўз вақтида қайтарилиши юзасидан, қарз олган База, унга кафил бўлган корхона ёки ташкилот жавобгар бўлади. Базанинг расмий иш юритиш тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили бўлган ўзбек тилида ва барча ҳужжатлар шу тилда юритилади. Хорижий мамлакатлар корхоналари билан биргаликда ҳамкорлик муносабатларида бошқа тиллар ҳам қўлланилиши мумкин.

Базанинг асосий мақсади вино-ароқ маҳсулотларининг улгуржи, майда улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш ва ўз фаолияти натижасидан фойда олишдир.

База қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- вино-ароқ маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш;
- ўзининг фирмали дўконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширишга назорат-касса машиналаридан фойдаланиш

ва нақд пул тушумини белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан фаолият юритиш;

- истеъмол бозорида вино-ароқ маҳсулотларининг маркетингини олиб бориш;

- вино-ароқ маҳсулотларини рекламасини ташкил қилиш;

- вино-ароқ маҳсулотларининг савдо ярмаркаларини ташкил этиш;

- истеъмолчилардан вино-ароқ маҳсулотлари учун мўлжалланган шиша идишларни йиғиш, қабул қилиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводларга етказиб бериш;

- вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводлар билан маҳсулот олишга, етказиб беришга шартномалар тузиш уларнинг ижросини таъминлаш.

Базанинг қўшимча фаолият турлари:

- маъданли, газлантирилган, соф ичимлик сувлари билан савдо қилиш, шунингдек салқин ичимлик сувлари билан савдо қилиш;

- вино-ароқ, коньяк ишлаб чиқарувчи заводларга хом-ашё, керакли моллар, жихозлар, шунингдек материалларни шартнома асосида етказиб бериш;

- барча турдаги сигарет маҳсулотлари савдоси шунингдек конфетлар маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш;

- Уставда кўрсатилган фаолият турларининг импорти ва экспорти билан шуғулланиш;

- чет-эл сармояларини жалб этиш.

База лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият турлари билан белгиланган тартибда давлат ҳокимияти идоралари ёки бошқа ваколати ташкилотлардан лицензия олгач шуғулланишга ҳақлидир. База ўз мақсад ва фаолият турларини ушбу низомда белгиланган тартибда қўшимча ёки ўзгартириш киритган ҳолда ўзгартириши мумкин. Бунда Таъсисчи билан келишилиб тасдиқланади.

Базанинг фаолиятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 5.11.2005 йилдаги 242-сонли қарорига иловага кўра низом фонди ташкил этилади. Устав фонди Таъсисчи томонидан Республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдорида, улардан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорида пул маблағлари билан шакллантирилади. Устав фонди таъсис шартномаси ёки Устав фондиди ошириш тўғрисидаги буйруқ асосида пулда, кўчар-кўчмас мулкларда ҳам шакллантирилиши мумкин. Корхонанинг фаолиятини юритиши учун активлар шакллантирилган бўлиб уларнинг 2011 йилдаги ҳолати қуйидаги жадвалда келтирилган.

2.1.1- жадвал

«Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонаси активларининг 2011 йилдаги ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	Ўзгариш сурати, %
1	Барча активлар	510645,0	852296,0	341651	166,9
	Шу жумладан				
2	Жорий активлар	476957,0	817296,0	340339	171,4
	уларнинг улуши, %	93,4	95,7	2,3	X
3	узоқ муддатли активлар	33688,0	35000,0	1312	103,8
	уларнинг улуши, %	6,6	4,3	-2,3	X

Манба: “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг 2012 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йил давомида «Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонаси активларининг таркибида бир мунча ўзгариш содир бўлган. Бу ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- Жорий активларнинг 2011 йил давомида 71,4 фоизга ортиши натижасида барча активлар ҳажми йил охирига келиб йил бошидаги кўрсаткичидан 66,9 фоизга ёки 341651 минг сўмга ортган;

- 2011 йил охирига келиб жорий активларнинг улуши барча активлар таркибида 95,7 фоизни ташкил қилган ва йил бошидагига нисбатан 2,3 пунктга кўтарилган;
- 2011 йил давомида гарчи узоқ муддатли активлар ҳажми 1312 минг сўмга ортган бўлсада уларнинг жами активлардаги улуши 2,3 пунктга камайган.

Бу ўзгаришнинг «Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонаси активларининг ижобий таркибий ўзгаришга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, бир календар йили давомида бу тариха ўзгаришнинг содир бўлиши битта корхона учун қийин. Аммо «Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонасида бу нарсага эришилган. Яна шуни таъкидлаш керакки, корхонанинг ихтисослашуvidан келиб чиқадиган бўлсак жадвалдаги ҳолат ўта ижобий баҳоланиши мумкин. Аммо бу ҳолат маблағлар тақибда қандай ўз аксини топмоқда? Бу саволга қуйидаги жадвал маълумотларидан жавоб топишимиз мумкин.

2.1.2-жадвал

«Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонаси маблағларининг 2011 йилдаги ҳолати

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	Ўзгариш сураги, %
1	Барча маблағлар	510645,0	852296,0	341651,0	166,9
	Шу жумладан				
2	Ўз маблағлари	104375,0	266122,0	161747,0	254,9
	уларнинг улуши, %	20,43	31,22	10,79	X
3	четдан жалб қилинган маблағлар	406270,0	852296,0	446026	209,8
	уларнинг улуши, %	79,57	68,78	10,79	X

Манба: “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг 2012 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики 2011 йил охирида барча манбалардан йиғилган пул маблағлари 852296,0 минг сўмни ташкил қилган

ва йил бошидаги кўрсаткичига нисбатан 66,9 фоизга ўсган. Маблағлар таркибидаги ўзгаришларни қуйидаги ҳолатларда баҳолаш мумкин:

- 2011 йил давомида маблағларнинг таркибий ўзгариши ижобий ҳолатни ўзида ифода этган. Яъни 2011 йил охирида айланма маблағлар таркибидаги ўз маблағларининг улуши йил бошидагига нисбатан 10,79 пунктга ортган;
- 2011 йил охирига келиб барча маблағларда ўз маблағларининг улуши 31,22 фоизни ташкил этган;
- Четдан жалб қилинган маблағларнинг улуши йил охирида 68,78 фоизни ташкил этиб йил бошидагига нисбатан 10,79 пунктга пасайган.

Маблағлар таркибидаги бундай таркибий ўзгаришларни ижобий баҳолашимиз ва “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси молиявий мустаҳкамлик томон ҳаракатланмоқда дейишимиз мумкин.

2.1.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган йилларда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасида ресурслардан фойдаланиш даражаси бир мунча ижобий ўзгариш ҳосил қилган. Буни биз қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

1. 2011 йилда асосий фондлар умумий ҳажми ва таркиби ўзгаришсиз қолган;
2. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати 2011 йилда 647126,5 минг сўмни ташкил этиб 2010 йилга нисбатан 211397,0 минг сўмга ортган ёки 48,5 фоизга ортган. Айланма маблағлар ҳажмининг ортиши товар айланмаси ҳажмининг ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.
3. 2011 йилда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг ишчи ходимлари сони 5 кишига кўпайган ва ходимлар сонининг ортиши 35,7 фоизни ташкил қилган;

2.1.3-жадвал

“Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг 2010-2011 йилларда ресурслар самарадорлиги ҳолати.

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш сурати, %
1.	Асосий фондлар, минг сўм	34612,5	34612,5	0	100,0
2.	Айланма маблағлар, минг сўм	435729,5	647126,5	211397,0	148,5
3.	Меҳнат ресурслари, киши	14	19	5	135,7
4.	Товар айланмаси, минг сўм	4218700,0	7041200,0	2822500	166,9
Нисбий кўрсаткичлар					
2.	Фондлар қайтими, сўм	121,88	203,43	81,55	166,9
6.	Фондлар сиғими, сўм	0,0082	0,0049	-0,0033	X
7.	Айланма маблағлар айланиш тезлиги				
	Кунларда	37,70	33,55	-4,15	X
	Марталарда	9,68	10,88	1,2	X
8.	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	301335,7	370589,5	69253,8	123,0

Манба: “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг ҳисоботлари.

Асосий фаолиятда иштирок этган асосий фондларнинг ҳар бир сўми 2011 йилда 203,43 сўм бўлиб қайтган, бу асосий фондлар қайтимининг 81,55 сўмга ёки 66,9 фоизга ортганлигидан далолат беради;

- Асосий фондлар қайтимининг ортиши мос равишда фондлар сиғимини камайишига олиб келган;
- 2011 йилда айланма маблағларнинг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлган айланма маблағларнинг айланиш тезлиги 1,2 мартага ортган ёки 4,15 кунга қисқарган;

6. 2011 йилда ходимлар сони 5 кишига ортган бўлишига қарамасдан меҳнат унумдорлигининг ўсишига эришилган. Бу даврда меҳнат унумдорлигини 370589,5 минг сўмни ташкил қилиб 2010 йилга нисбатан 69253,8 минг сўмга ортган.

Юқоридаги барча ҳолатлар “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бир мунча самарали фаолият олиб борганлигидан далолат беради. Аммо бу кўрсаткичлар унинг рентабеллиги ҳақида ҳеч қандай ахборот бермайди. Шунинг учун ҳам кейинги параграфларда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг рентабеллик кўрсаткичларини батафсилроқ таҳлил қилиб ўтамиз.

2.2. «Сифат шароб савдо» ихтисослашган база унитар корхонасини рентабеллиги таҳлили

Фойда ва рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан савдо фаолиятининг молиявий натижаси эканлигидан келиб чиқсак, уларни таҳлилини асосий мақсади савдо корхона (шаҳобча)ларининг ҳисобот йилидаги хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини баҳолашдан иборатдир. Ҳар қандай ташкилий-ҳукукий шаклдаги хўжалик субъектлари фойдани максималлаштиришга интилади. Чунки фойда орқали фаолиятни инвестициялаштириш, ўз-ўзини молиялаштириш, мулкдорларни мулкани оширилиши, корхонани тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Таҳлил жараёнида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

- ҳисобот йилида режага нисбатан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларида қандай ўзгаришлар руи берганлигини аниқлаш;

- хисобот йили кўрсаткичларини утган йиллар, бошқа ракобатдош корхоналар, худуд, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштирган холда уларни ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабелликка таъсир килган омилларни ўрганиш ва баҳолаш;
- фойдани таркибини ўзгаришига баҳо бериш, уни турлари буйича ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабелликни ошириш йулларини аниклаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- фойдани таксимланишини ўрганиш, шу билан бир каторда жамланган фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш, резерв капитални ҳолатини баҳолаш, акциядорларни дивидендлари кандай ҳолатда ўзгариши каби жараёнларни баҳолаш. Чунки бу жараёнлар корхонанинг келажак фаолияти самарасига сезиларли даражада билвосита таъсир килади.

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилиш жараёнида юқоридагилардан ташқари даромадлар ва харажатларни ўзгариш тенденциялари комплекс ўрганилиб, уларга ҳам баҳо берилади. Бундай таҳлилда корхона ресурсларини ишлатилиши самарадорлигига ҳам баҳо бериш зарур бўлади.

Фойда ва рентабелликни таҳлили қатор кўрсаткичларни аниклаш, фойда ва рентабелликка таъсир қилувчи омиллар, шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни туплаш ҳамда уларга ишлов беришдан бошланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот (2-сонли шакл)да келтирилган кўрсаткичлар буйича режанинг бажарилишини аниклаш ва утган йилларга (камида уч йил) нисбатан ўзгариш суръатларини таҳлил қилиш учун маълум шаклдаги жадваллар тузилади. Тузилган жадваллар рентабеллик кўрсаткичлари хусусида тўлиқ ва аниқ хулосалар берувчи маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Қуйидаги жадвал умумхўжали фаолияти рентабеллигини ифодалайди.

“Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси
умумхўжалик фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Товар айланмаси, минг сўм	4218700,0	7041200,0	2822500,0	166,9
2.	Харажатлар, минг сўм	4198270,0	6879453,0	2681183,0	163,9
3.	Соф фойда, минг сўм	20430,0	161747,0	141317,0	7,92 бр.
4.	Рентабеллик, % (товар айланмасига нисбатан)	0,48	2,3	1,82	X
5.	Рентабеллик, % (харажатларга нисбатан)	0,49	3,35	1,86	X

Манба: “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг ҳисоботлари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасида натижалар бир мунча яхшиланган. Бу айниқса корхонанинг соф фойдаси миқдорини кескин ўсганлиги билан тавсифланади. 2011 йилда соф фойда миқдори 2010 йилга нисбатан 141317,0 минг сўмга ортиб 161747,0 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич соф фойда миқдорини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 7,92 баробарни ташкил этаётганлигидан далолатдир.

2011 йилда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасида товар айланмасининг 66,9 фоизга ўсиши, яъни харажатларга нисбатан 3,0 фоиз пунктга ортиқ ўсганлиги соф фойда миқдорини ортишига олиб келган. Шу билан бирга 2011 йилда корхона молиявий фаолият билан боғлиқ харажатларини бир мунча қисқартирган. Бу ҳам ўз навбатида “Сифат

шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси соф фойдасини ортишига олиб келган.

Соф фойда миқдорининг сезиларли равишда ошиши 2011 йилда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг рентабеллик кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топган. Агар 2010 йилда хўжалик фаолияти рентабеллиги 0,48 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 1,82 пунктга ортган ёки 2,3 фоизни ташкил қилган. Бу ҳолат харажатлар рентабеллигида янада яққолроқ намоён бўлмоқда. 2011 йилда харажатлар рентабеллиги 3,35 фоизни ташкил қилган ва 2010 йилдаги даражасидан 1,86 пунктга ортган.

“Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасидаги умумхўжалик фаолияти рентабеллигидаги бундай ўзгаришни ижобий баҳолашимиз мумкин. Аммо биргина умумхўжалик фаолияти рентабеллиги билан корхонанинг умуман рентабеллик кўрсаткичларига ижабий баҳо бериб бўлмайди. Шунинг учун биз қуйида “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг ресурслари рентабеллиги кўрсаткичларини таҳлил қилиб ўтамыз.

Қуйидаги 2.2.2 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда фойда миқдорининг кескин ортганлиги нафақат умумхўжалик фаолияти рентабеллигига, балки асосий фондлар ва айланма маблағлар рентабеллигигига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга 2011 йилда фойданинг ортгани ходимларнинг ҳар бирига тўғри келаётган фойда миқдорини ҳам ошишига олиб келган.

2011 йилда асосий фондлар миқдори ўзгаришсиз қолган. Натижада фойда миқдорининг 7,92 баробарга ортгани асосий фондлар рентабеллигини ҳам шу миқдорда ортишига олиб келган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси асосий фаолияти спиртли ичимликларни улгуржи ва чакана савдосига қаратилган. Бундай ҳолатда корхона фаолияти учун катта миқдордаги бино иншоатлар зарур

бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси балансида кам миқдорда асосий фондлар акс эттирилган. Улар фаолияти давомида фойдаланиб келаётган омборхоналар эса асосан ижарага олингандир. Узоқ муддатли ижара бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилиб келинмоқда.

2.2.2 жадвал

“Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси ресурслари рентабеллиги кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш сурати, %
1.	Асосий фондлар, минг сўм	34612,5	34612,5	0	100,0
2.	Айланма маблағлар, минг сўм	435729,5	647126,5	211397,0	148,5
3.	Меҳнат ресурслари	14	19	5	135,7
4.	Соф фойда, минг сўм	20430,0	161747,0	141317,0	7,92 бр.
Рентабеллик кўрсаткичлари					
5.	Асосий фондлар рентабеллиги, %	59,02	467,3	408,28	X
6.	Айланма малағлар рентабеллиги, %	4,69	24,99	20,3	X
7	Ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда миқдори, минг сўм	1458,29	8513,0	7054,71	583,8

Манба: “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонасининг ҳисоботлари.

2011 йилда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси айланма маблағлари ўз маблағларининг ортиши ҳисобига 48,5 фоизга ортган. Бу айланма маблағлар рентабеллигини ҳам ошишига олиб келган. Таҳлил қилинаётган йилларда айланма маблағлар рентабеллиги 20,3 фоиз пунктга ортган. Яъни, 2010 йилда айланма маблағлар рентабеллиги 4,69 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 24,99 фоизга етган.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларидан бири бўлган ҳар бир ходимга тўғри келаётган фойда миқдори ҳам таҳлил қилинаётган даврда бир мунча ортган. 2010 йилда ҳар бир ходимга 1458,29 минг сўм тўғри келган бўлса 2011 йилда 7054,71 минг сўмга ортиб 8513,0 минг сўмни ташкил этган. Бу фоизда 583,8 фоизни ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2011 йилда корхонада фаолият юритаётган ходимлар сони 5 кишига ортган. Агар ходимлар сони ортмаганида ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда миқдори янада ортган бўларди. Аммо ходимлар сонининг ортиши фойда миқдорининг ҳам ортишига олиб келган.

2.3. «Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Савдо корхоналари рентабеллигини ошириш давр талаби. Чунки, улар орқали турли ресурслар (ёқилғи, электр энергияси, хом ашё), аҳоли вақти тежалади, мамлакатимиз ғазнаси бойийди, бозор инфратузилмалари ўртасидаги муносабатлар ривожланади.

Савдо корхоналарининг товар айланмаси, харажатлари ва якуний, ижобий молиявий натижаси ҳисобланган фойданинг шаклланишига қатор ташкилий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Бу омилларни натижавий кўрсаткичларга таъсири нуқтаи назаридан, ички ва ташқи, шунингдек бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларга ажратишимиз мумкин (2.3.1-расм).

Бевосита таъсир қилувчи омиллар	Билвосита таъсир қилувчи омиллар
Омилнинг тавсифи	Омилнинг тавсифи
ташқи савдо айланмаси, унинг таркиби	давлатнинг халқаро миқёсдаги аҳволи
туризмнинг ривожланганлик даражаси	халқаро муносабатлар
миллий иқтисодиёт прогнозлари (истеъмол ва жамғарма фондлари эластиклик коэффициенти)	аҳолининг истеъмол маданияти
аҳоли сони, таркиби, даромадлари ва харид фонди	мамлакат ва минтақадаги илмий техник тараққиёт даражаси
Баҳо	Урбанизация
хизмат турлари	хизмат савияси
товар айланмаси таркиби;	бошқа билвосита омиллар
товар захиралари, товарларнинг келиши ва товарсиз чиқимлар	
бошқа бевосита омиллар	


2.3.1-расм. Умумий овқатланиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг товар айланмаси ва фойдасига таъсир этувчи омиллар.

Юқоридаги омилларнинг айримлари савдо соҳаси субъектлари товар айланмаси, фойдаси ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, ушбу кўрсаткичларнинг ўсишига хизмат қилса, айримлари акс таъсир этади. Иқтисодий таҳлил омиллар таъсири даражасини сон ва сифат жиҳатдан ўрганишга ва улар асосида зарурий қарорлар қабул қилишга хизмат қилади. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида санаб ўтилган омилларнинг кўпчилигини сон ва сифат жиҳатдан аниқлаб, баҳолаб бўлмайди. Уларни таъсирини баҳолашнинг эксперт ва танлаб кузатиш усулларидан фойдаланилади. Айрим омиллар таъмирини баҳолашда корреляцион таҳлил усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига бирқанча омиллар таъсир қилади. Шу омилларни тўғри тушуниш ва ўрганишни осонлаштириш учун уларни бирқанча белгилари бўйича таснифлаш мумкин. Буларга қуйидагилар

киради : омилларнинг моҳияти бўйича; таъсир қилиш вақти бўйича; таъсир қилиш даражаси бўйича; таъсир қилиш характери бўйича; ходиса ва жараёнларни ифода этиш бўйича: ўлчаш мумкинлиги жиҳатидан; деталлаштириш даражаси бўйича; корхона фаолиятига боғлиқлиги жиҳатидан.

Ушбу омилларни таснифлаш белгилари қуйидаги чизмада келтирилган.



2 - Чизма. Корхона молиявий хўжалик фаолиятига таъсир этувчи омилларни таснифлаш белгилари

Иқтисодчиларнинг муҳим вазифаларидан бир корхона рентабеллигига таъсир қилувчи омилларни ҳам ҳисоблаб чиқишлари ва уларни ошириш учун тегишли ички имкониятларни ахтариб топиш йўллари кўрсатишдан иборатдир. Мазкур бобда корхона рентабеллигининг умумлашган кўрсаткичи ва активлар рентабеллигига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўлларига тўхталамиз.

Савдо корхонасининг молиявий натижаларини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичга товар оборот рентабеллигини киритиш мумкин. Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун 2-бобда таъкидлаганимиздек, қуйидаги формуладан фойдаланилади:

СФ

$$TO_{\text{рент}} = \frac{\text{---}}{\text{---}} * 100$$

ТО

Бу ерда: СФ – соф фойда;

ТО – товар оборот суммаси.

Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

* ялпи фойданинг товар оборотдан олинган ялпи молиявий натижалардаги ҳиссаси (ЯФ/ЯМН);

* ялпи молиявий натижанинг товар оборотдаги ҳиссаси (ЯМН/ТО).

Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги чизмада акс эттирилган (5-чизма).

Ушбу омилларни натижа билан боғлайдиган бўлсак, қуйидаги формулага эга бўлиш мумкин:

$$ТО_{\text{рент}} = \frac{СФ}{ЯФ} \times \frac{ЯФ}{ЯМН} \times \frac{ЯМН}{ТО}$$

Уларнинг қисқартирилган математик модели натижани “Y”, омилларни “X_i” деб белгиланса, қуйидаги формула орқали ифодаланади. Унда ҳар бир омилни X_i деб қабул қилиш мумкин:

3

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 = \prod_{i=1}^3 X_i \quad (i=1,3).$$

Биз битирув иши доирасида “Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонасинингрентабеллига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг анаънавий усулларида фойдаланган ҳолда аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Рентабелликка таъсир этувчи омилларни иқтисодий таҳлилнинг қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланиб аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бу усул натижага битта ёки иккита омил таъсир қилган пайтларда қўлланилиши

кулай. Унинг моҳияти режадаги натижани биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинишидан иборатдир. Шунга ўхшаш бўлган усул бу занжирли алмаштириш усули бўлиб натижага уч ва ундан ортиқ омиллар таъсир қилганда ушбу усулдан фойдаланиш мумкин.

“Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонаси активлари рентабеллигига активлар таркиби ва фойданинг ўзгаришини таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқласак, ушбу рентабеллик кўрсаткичи кўпроқ қайси кўрсаткичнинг ўзгариши натижасида ўзгарганлигини аниқлашимиз мумкин.

2.3.1- жадвал

**“Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонаси активлари
рентабеллигига занжирли алмаштириш усули орқали аниқланган
омиллар таъсири**

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Занжирли алмаштириш		
				I	II	III
	Соф фойда, минг сўм	20430,0	161747,0	161747,0	161747,0	161747,0
	Асосий фондлар, минг сўм	34612,5	34612,5	34612,5	34612,5	34612,5
	Айланма маблағлар, минг сўм	435729,5	647126,5	435729,5	435729,5	647126,5
	Активлар рентабеллиги, %	4,34	23,73	34,39	34,39	23,73

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда рентабеллик даражаси 19,39 пунктга ортган. Бу қуйидаги ўзгаришлар ҳисобига содир бўлган:

1. Фойда суммасининг 141317,0 минг сўмга ортиши эвазига рентабеллик 30,05 (34,39-4,34) пунктга ортган.

2. Асосий фондлар ўртача йиллик қийматининг ўзгармасдан қолиши ва айланма маблағлар суммасининг ортиши ҳисобига рентабеллик 10,66 пунктга камайган.
3. Барча омилларнинг ўзгариши ҳисобига рентабеллик 19,39 (30,05-10,66) пунктга ортган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, корхона рентабеллигининг ўзгаришига фойданинг ортиши ижобий таъсир кўрсатган бўлиб, келгусида ҳам фойдани ошириб боришдан корхона манфаатдор бўлади. Аммо рентабеллик кўрсаткичига салбий таъсир айрим омиллар ҳам мавжуд. Бу ҳам бўлса корхона савдоси билан шуғулланаётган маҳсулотлар савдоси тўғрисида турли ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши, спиртли ичимликларга нисбатан қўшилган қиймат ва акциз солиқлари миқдорининг ортиши, спиртли ичимлар савдоси билан чекловларнинг ўрнатилиши каби омиллаш Сифат шароб савдо унитар корхонаси рентабеллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бугунги кунда Пайарқ туманида энг йирик савдо дўконларидан бири ҳисобланган Сифат шароб савдо улгуржи база унитар корхонаси рентабеллигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган яна бир омил бу рақобатчиларнинг пайдо бўлиши ва корхонанинг бозордаги улушига таҳдид солишидир.

III. Боб. «Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллигини ошириш йўллари.

3.1.Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида савдо корхоналари рентабеллигини ошириш йўллари

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. Барча корхоналар хўжалик фаолияти самарадорлигини оширувчи тадбирларни амалга ошириши зарур. Самарали ташкил этилган иқтисодиётга ўтиш ҳар тамонлама ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Корхоналар хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини қуйидаги йўналишларда ишлаб чиқдик:

- асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини халқ хўжалиги миқёсида баҳолаш қийин. Бу муаммонинг ечими маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошишига, аҳоли истемолини тўлароқ қондирилишига, мамлакатда ускуналар бадлансининг ошишига, маҳсулот таннархининг камайишига, ишлаб чиқариш рентабиллигининг ошишига олиб келади.

Асосий фондлардан нисбатан тўлароқ фойдаланиш янги қувватларни жалб қилиш каби эҳтиёжларнинг камайишига олиб келади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши уларнинг айланиш тезлигининг ошганлигини ҳам билдиради.

Хуллас, асосий фондлардан самарали фойдаланиш иқтисодий ислохотларнинг муҳим вазифаси ҳисобланган - чиқарилаётган маҳсулот

сифатини ошиши, рақобат шароитида маҳсулотларнинг тез реализация қилиниши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш уларнинг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи интенсив ва экстенсив омиллардан қанчалик тўлиқ фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив ўсиши бир томонидан календар даврда ускуналардан фойдаланиш вақтини оширишни тақозо қилса, иккинчи томондан ускуналарнинг умумий қийматида ишлаётган ускуналар ҳиссасини оширишни тақозо қилади.

Ускуналаран фойдаланиш вақтини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- Смена ўртасида бўш туриб қолишларни камайтириш мақсадида ускуналарни таъмирлаш сифатини ошириш, ўз вақтида асосий ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан, хом-ашё билан, ёнилғи ва ярим фабрикатлар билан таъминлаб туриш;

- Кун мобайнида ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, уларнинг ишини сменалик коэффицентини ошириш.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўли ортиқча ускуналар миқдорини камайтириш ва ўрнатилмаган ускуналарни ишлаб чиқаришга тезроқ жалб этиш ҳисобланади. Меҳнат воситалари катта қисмининг бекор туриши ишлаб чиқаришни ўстириш имкониятларининг қисқаришига, ускуналарнинг бекордан бекор жисмоний эскиришига ва узоқ вақт ишламасдан сақланиш натижасида уларнинг яроқсиз аҳволга келиб қолишига сабаб бўлади. Вақт ўтиши билан яхши сақланган ускуналар ҳам маънавий эскириш натижасида жисмоний эскирган ускуналар қаторига қўшилиб қолади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг интенсив ўсиши вақт бирлигида ускуналарнинг иш билан таъминланганлик даражасини оширишни тақозо қилади. Ускуналарнинг интенсив иш билан таъминланганлигини ошириш учун ишлаётган машина ва механизмларни модернизациялаш, улар ишининг оптимал режимини ўрнатиш лозим. Технологик жараёнларнинг оптимал

режимда ишлаш ишчилар сони ва асосий фондларни кўпайтирмай туриб маҳсулот ишлаб чиқаришни оширади ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий ресурс харажатларни камайтиради.

Асосий фондлардан фойдаланиш интенсивлигини ошириш куйидагиларни талаб қилади: ишлаб чиқариш технологияларини ва меҳнат куролларини такомиллаштириш; меҳнатни илмий ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш; ишчиларнинг профессионалиги ва билмини ошириш; ишлаб чиқариш жараёнидаги нуксонларни бартараф қилиш.

Техника ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда жараёнларни интенсивлаштириш чегараланмаган. Шунинг учун асосий фондлардан фойдаланишни интенсив ошириш имкониятлари ҳам чегараланмаган.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири унинг тузилишини такомиллаштириш ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қанчалик ўсиши асосий цехларга боғлиқ ва шунинг учун уларнинг асосий фондлар умумий қийматидаги ҳиссасини ошириш лозим. Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги асосий фондларнинг ортиши маҳсулотлар фонд сифимининг ошишига олиб келади, лекин бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортишига олиб келмайди. Бироқ ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг пропорционал равишда ривожланишисиз асосий цехлар тўлиқ қувват билан ишлай олмайди. Шунинг учун асосий фондларнинг оптимал ишлаб чиқариш тузилишини аниқлаш улардан фойдаланишни оширувчи асосий йўналиш ҳисобланади.

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятини нормал таъминлашда, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда катта рол ўйнайди. Афсуски, корхоналар ҳозирда эга бўлган ўзининг молиявий ресурслари нафақат кенгайтирилган, ҳатто оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ миқдорда таъминлашга етмайди. Корхонада зарур молиявий ресурсларнинг йўқлиги, тўловлар интизоми даражасининг пастлиги ўзаро тўламасликларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Корхоналарнинг ўзаро қарздорлиги - ўтиш давридаги иқтисодийнинг ўзига хос хусусияти. Кўпчилик корхоналар шаклланаётган бозор муносабатларига тез мослаша олмади, мавжуд айланма маблағлардан оқилона фойдаланмайдиган, молиявий захираларни тузмайди. Шуниси муҳимки, инфляция, хўжалик қонунчилигининг нобарқарорлиги шароитида тўловларни амалга оширмаслик бир қатор корхоналарнинг тижорат манфаатлари доирасига кирди. Улар атайлаб таъминотчилар билан ҳисоб-китобларни кечиктирадиган ва бу орқали сўм харид қобилиятининг пасайиши ҳисобига ўз тўлов мажбуриятларини камайтирадиган.

Айланма маблағлар айланувчанлигининг тезлашиши ҳозирги шароитда корхоналарнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади ва қуйидаги йўллар билан эришилади:

Ишлаб чиқариш захираларини тузиш босқичида иқтисодий асосланган захира нормаларини жорий этиш; хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар таъминотчиларнинг истеъмолчиларга яқинлашуви; моддий-техник таъминотнинг омбор тизимини, шунингдек материаллар ва ускуналар улгуржи савдосини кенгайтириш; омборлардаги ишларнинг комплекс механизацияси ва автоматизацияси.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш босқичида - илмий-техник тараққиётни тезлаштириш; стандартизация; унификация; типизацияни ривожлантириш; саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари мукаммаллаштириш; хом-ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш тизимини мукаммаллаштириш; юқори талабга эга бўлган маҳсулот улушини кўпайтириш.

Муомала босқичида - маҳсулот истеъмолчиларини уни ишлаб чиқарувчиларга яқинлаштириш; ҳисоб-китоб тизимини мукаммаллаштириш; бевосита алоқалар бўйича буюртмаларини бажариш, тежалган материаллардан маҳсулот тайёрлаш натижасида сотилган маҳсулот ҳажминини ошириш; тузилган битимларга мувофиқ жўнатилган маҳсулотларни партиялар, ассортиментлар, транзит нормаси бўйича танлаш.

Меҳнат унумдорлиги манбаларини излаш, бу манбаларни амалга ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни бевосита қўллаш корхонадаги таҳлилий ишларнинг асосий босқичи ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш манбалари деганда жонли ва моддийлашган меҳнат сарфини иқтисод қилишнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари тушунилади. Ички ишлаб чиқариш манбалари техника ва ишчи кучидан нисбатан самаралироқ фойдаланиш, иш вақтини қисқартириш, хом-ашё ва материалларни иқтисод қилиш, ускуналардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Ички ишлаб чиқариш манбаларига меҳнат сиғимини камайтириш, иш вақтидан фойдаланишни ошириш, кадрлар структурасини такомиллаштириш, меҳнат предметларини иқтисод қилиш ва меҳнат воситаларини иқтисод қилишлар киради.

Меҳнат унумдорлигини ошириш манбаларини қуйидаги йўналишларини келтириш мумкин:

1.Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш:

- * ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш;
- * янги ускуналарни тадбиқ этиш;
- * янги технологик жараёнларни тадбиқ этиш;
- * маҳсулотларнинг конструктив хусусиятларини ошириш;
- * хом-ашё ва янги конструктив материалларнинг сифатини ошириш;

2.Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш:

- * хизмат кўрсатиш меъёри ва ҳудудини ошириш;
- * меъёрларни бажармайдиган ходимлар сони камайтириш;
- * бошқарув структурасини соддалаштириш;
- * ҳисоб-китоб ишларини механизациялаш;
- * иш вақтини ўзгартириш;
- * ишлаб чиқаришнинг ихтисослашганлик даражасини ошириш;

3.Ташқи табиий шароитларни ўзгартириш:

- * хом ашёларни яратиш, ер ости бойликларини қазиб олишни шарт-шароитлари;

- * фойдали қазилмаларни сақлашни ўзгартириш;

4. Ишлаб чиқаришдаги структура ўзгаришлари:

- * маҳсулотлар алоҳида турларининг ҳиссасини ўзгартириш;

- * ишлаб чиқариш дастурининг меҳнат сиғимини ўзгартириш-энг қулай даражасини аниқлаш;

- * сотиб олинган ярим фабрикатлар ва комплектлайдиган маҳсулотлар ҳиссасини ўзгартириш;

- * янги маҳсулотлар ҳиссасини ўзгартириш.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни корхона хўжалик фаолиятига қўллаш фикримизча, ўзининг ижобий натижасини беради.

3.1. «Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллигини ошириш чора тадбирлари.

Сифат шароб савдо корхонаси рентабеллигини ошириш масаласида фикр юритар эканмиз аввало спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи корхоналар самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини ривожлантириш керакми? Деган саволга жовоб беришимиз керак бўлади. Миллий урф одатлар, динимиз спиртли ичимлик ичишни қоралайди, у билан савдо қилишни ҳам ҳаром санайди. Аммо бозор иқтисодиёти шаклланаётган бугунги шароитда хўжалик юритувчи барча субъектлар самарали фаолият юритиши, бунинг натижасида давлат ханизасига ўзининг ҳиссасини қўшиши керак. Бу эса корхоналар фойдали, рентабелли фаолиятини таъминлаш йўллари кидириш, тадқиқ қилиш кераклигидан далолат беради. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш керакки спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш катта харажат талаб қилмайди. Уни сотиш баҳоси эса анча юқори бўлади. Чунки, аҳоли ўртасида спиртли ичимликлар истеъмолини нисбатан чеклаш, уни кенг истеъмол доирасидан чиқариш мақсадида бир қатор эгри солиқлар унинг нархига киритилганки, спиртли ичимликларнинг бозор баҳоси ортиб кетсин,

натижада эса айрим аҳоли шу маҳсулотларни сотиб олишга имконияти бўлмасин, деган маънода.

Бутун дунёда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш энг самарали ва юқори рентабелли фаолият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқаро иқтисодий муносабатларда озиқ овқатлар улгуржи савдосининг таркибида спиртли ичимлик қаҳвадан кейинги иккинчи ўринда туради. Қаҳва бутун дунё бўйлаб олди сотди қилинганлиги учун ҳам унинг улуши юқорирокдир.

Спиртли ичимликлар халқаро савдосида Франция, болтик бўйи мамлакатлар юқори ўринларни эгаллайди. Ўзбекистон ташқи савдосида ҳам спиртли ичимликларнинг маълум улуши бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, спиртли ичимлар ишлаб чиқариш ва сотишдан мамлакатлар катта миқдорди фойда кўради, аммо буни юқори рентабелли соҳа сифатида қараб давлат доирасида ривожлантириш керак деган фикрдан йироқмиз. Лекин бугунги кунда шу маҳсулотларга қайсидир даражада аҳолининг талаби мавжуд экан, шу соҳада ҳам айрим тадқиқотлар олиб бориш, уни аҳоли саломатлигига зарар етмайдиган турларини ишлаб чиқаришни ва сотишни ривожлантириш айнан шундай фаолият билан шуғулланувчи корхоналар рентабеллигини таъминлаш ва ошириш масалаларига эътибор қаратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек Сифат шароб савдо улгуржи база унитар корхонаси ўз олдида нафақат спиртли ичимликлар савдосини ташкил этишни, балки, шифобахш минерал сувлар савдосини савдосини ҳам ташкил этишни мақсад қилган ва шу йўлда маълум ишларни ҳам амалга ошириб келмоқда. Шунинг учун ҳам биз корхона рентабеллигини оширишнинг спиртли ичимлар савдосини ривожлантириш орқали эмас, балки, альтернатив йўллари қидириш масаласи қўйилмоқда.

Сифат шароб савдо улгуржи база унитар корхонаси рентабеллигини ошириш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга оширишни тавсия этамиз:

1. Фаолиятни кенгайтириш, янги фаолият турлари ҳисобланмиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятларини жорий қилиш;
2. Товарлар ассортиментини кенгайтириш, нафақат спиртли ва яхна ичимликлар, балки, кундалик эҳтиёж моллари, хўжалик товарлари каби маҳсулотлар эвазига товарлар ассортиментини кенгайтириш;
3. Корхонанинг савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сонини кўпайтириш;

4. боб. Савдо корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда Президентимиз ҳам ўз маърузалари ва асарларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, савдо корхоналарида ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарarli омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарarli ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергоназор), прокуратура шунингдек касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба уюшмаларнинг ишлаб чиқаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси буйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид булган қўриқларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усуллариини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ҳодисаларни тўғри ҳисобга олинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш

травматизли ва касбий касалликлар сабабларини ўрганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал ҳимоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик, сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектор хўжаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, ҳимояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш ўринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, ҳимояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба уюшмасиқошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба уюшмасига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғқозонлари, электр станциялари, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати РеспубликаСоғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ёнгин халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса қишлоқ хўжалигида ёнғинга қарши чора-тадбирлар жуда ҳам

кучайтирилган, чунки кишлок хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар тез ёнувчан хусусиятига эга, бунга пахтани яққол мисол қилиб олиш мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Мураккаб оксидланиш жараёнида ёнувчи моддалардаги бир модданинг иккинчи моддага айланиши оқибатида катта миқдорда иссиқдик ва нурланиш ажралиши билан кечадиган ҳолатга ёнишдеб тушунилади. Ёнғинга асосан уч омил: ёнувчи модда, ёндирувчи муҳит, қиздириш жараёни сабаб булади.

Корхона лойиҳалашда, қуришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнғинхавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғинхавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидаcининг бузилиши агросервис корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йул қуйилиши билан боғлиқ. Агросервис корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қуйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Савдо корхоналарида ёнғин, портлаш билан боғлиқ авария 20% ни ташкил этади. Корхоналарда ёнғинсиз портлаш содир бўлиши ноорганик моддалар иштирокида 15%ни, ёнувчи газлар билан 15% ни, карбонводородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 32,5 %, бошқа моддалар иштирокида 7,5% ни ташкил этади. Шу жумладан портлаш ёнғин билан булиши ноорганик

моддалар иштирокида — 5%, ёнувчи газлар билан — 5%, ёнувчи суюқликлар билан — 7,5%, карбон водородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 12,5% ни ташкил этади. Ёнувчи суюқликлар буғларининг портлаши иккиламчи ёнғинга олиб келади.

Корхоналарда ёнғин, портлаш хавфлилиги қайта ишланадиган моддалар микдори, физик-кимёвий хоссалари ва хусусиятларига, ускуна ва жихозлар иш режимига, аланга маибаи борлиги ва ўтнинг тез тарқалашига боғлиқ.

Савдо корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги чоратадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тўсиқланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг микдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, хаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- 6) ёнгил алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7) белгиланган хизмат кўрсатиш режимини аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- 8) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- 9) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- 10) куриқ, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлашишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим аниқ, тадбирлар ишлаб чиқилади.

Савдо корхоналарибино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, қуқунлар, сиқилган хаво ва қаттиқ моддалар

кенг қўлланилади. Ўт учириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун ишлаб чиқариш объектлари ва майдонларини ёнғин ўчириш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

Хулоса

«Сифат шароб савдо» корхонаси рентабеллиги таҳлили ва уни ошириш йўллари мавзусида битирув малакавий иши мавзуси доирасида олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Рентабеллик корхоналар фаолият самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, унга нисбатан хўжалик юритувчи субъектларда муносабатларни ўзгартириш керак. Ваҳолангки, бугунги кунда ушбу кўрсаткични моҳияти пасайгандай, уни аниқлаш ва оширишга бўлган интилишлар пасайгандай бўлмоқда;

2. Рентабеллик хўжалик фаолияти фойдалилигини ифодалаб, корхоналарда асосий фаолият рентабеллиги, асосий фондлар ва айланма маблағлар рентабеллиги, активлар ва пасивлар рентабеллиги каби кўрсаткичлари аниқланади. Шу билан бирга корхоналар ҳар бир операциядан қандай натижага эришаётганлигини аниқлаш мақсадида айрим операциялар бўйича ҳам рентабеллик кўрсаткичини аниқлаш мумкинлиги ва аниқлаш услубияти тавсия этилди;

3. Рентабелликка таъсир этувчи омиллар жуда кўп бўлиб уларни таснифлаш аломатлари тавсия этилди ва “Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонаси мисолида ушбу корхона рентабеллигига таъсир этувчи омиллар таснифланди; Биз таклиф этган таснифга кўра рентабелликка таъсир этувчи омилларни таснифлаб ўргани ва таъсир даражасини таълил қилиш корхонага салбий таъсир этувчи омиллар таъсирини пасайтириш имконини беради;

4. “Сифат шароб савдо” улгуржи база унитар корхонаси рентабеллиги ҳолатини таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

А) 2011 йилда асосий фондлар миқдори ўзгаришсиз қолган. Натижада фойда миқдорининг 7,92 баробарга ортгани асосий фондлар рентабеллигини ҳам шу миқдорда ортишига олиб келган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек “Сифат

шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси асосий фаолияти спиртли ичимликларни улгуржи ва чакана савдосига қаратилган. Бундай ҳолатда корхона фаолияти учун катта миқдордаги бино иншоатлар зарур бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси балансида кам миқдорда асосий фондлар акс эттирилган. Улар фаолияти давомида фойдаланиб келаётган омборхоналар эса асосан ижарага олингандир. Узоқ муддатли ижара бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилиб келинмоқда.

2011 йилда “Сифат шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси айланма маблағлари ўз маблағларининг ортиши ҳисобига 48,5 фоизга ортган. Бу айланма маблағлар рентабеллигини ҳам ошишига олиб келган. Таҳлил қилинаётган йилларда айланма маблағлар рентабеллиги 20,3 фоиз пунктга ортган. Яъни, 2010 йилда айланма маблағлар рентабеллиги 4,69 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 24,99 фоизга етган.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларидан бири бўлган ҳар бир ходимга тўғри келаётган фойда миқдори ҳам таҳлил қилинаётган даврда бир мунча ортган. 2010 йилда ҳар бир ходимга 1458,29 минг сўм тўғри келган бўлса 2011 йилда 7054,71 минг сўмга ортиб 8513,0 минг сўмни ташкил этган. Бу фоизда 583,8 фоизни ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2011 йилда корхонада фаолият юритаётган ходимлар сони 5 кишига ортган. Агар ходимлар сони ортмаганида ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда миқдори янада ортган бўларди. Аммо ходимлар сонининг ортиши фойда миқдорининг ҳам ортишига олиб келган.

5. “Сифат шароб савдо” унитар корхонаси рентабеллигини ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

А) Фаолиятни кенгайтириш, янги фаолият турлари ҳисобланмиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятларини жорий қилиш;

Б) Товарлар ассортиментини кенгайтириш, нафақат спиртли ва яхна ичимликлар, балки, кундалик эҳтиёж моллари, хўжалик товарлари каби маҳсулотлар эвазига товарлар ассортиментини кенгайтириш;

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. «Мулкчилик тўғрисида». 2003 йил 7 май.
3. «Корхоналар тўғрисида». 1993 йил 7 май.
4. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.15-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2007. - 320 б.
5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлда.16-том.Т.: “Ўзбекистон”, 2008. - 368 б.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. - 56 б.
7. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 29 январь.
8. “Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2006 йил 23 февраль. Фармони.
9. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: «Фан ва технология», I том 2008.- 356 б.
10. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: «Фан ва технология», II том 2008.- 224 б.
11. Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни уқиш ва таҳлил қилиш йуллари». Т.; «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 1999 йил.
12. Абдуллаев Ё.А., Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. «Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб». Т.; «Мехнат» 2001.
13. Воҳобов А. В., Ибрагимов А. Т. “Молиявий таҳлил”. Т.; “Шарқ” 2002.
14. Воҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Якубов У.К. «Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил хусусиятлари». Т.; 2004.
15. Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. «Бошқарув таҳлили». Т.; 2004.
16. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. «Молиявий таҳлил». Т.; 2004.
- 17.
18. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 б.

19. Мухаммедов и др. Экономика торговли. Самарканд. 1998.-282 с.
20. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Маъруза матни. Самарканд: СамИСИ, 2002.- 196 б.
21. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари. - Самарканд, СамКИ, 1997. - 20 б.
22. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999. - 346 б.
23. Пардаев М.Қ. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада фойда ва рентабеллик таҳлили. - Самарканд, СамКИ, 1998.- 44 б.
24. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003.- 256 б.
25. Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. - М.: 2000.
26. Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. (Ўқув кўлланма). - Т.: Шарқ, 1997.
27. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. – М.: «Дашков и К°» 2008. - 625с.
28. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача луғат-маълумотнома. Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
29. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Т.: Меҳнат, 1997 - 192 б.
30. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат, 1996.

Интернет ва статистика маълумотлари

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. <http://www.worldbank.org>.
4. <http://www.region.uz>
5. <http://www.lex.uz>